АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Восиқов Улуғбек Алишер ўғли
Тошкент Кимё халқаро университети мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.15269222

Аннотация. *Ушбу тезисда Аҳоли даромадларини табақаланиши, Даромадлар тенгсизлигининг табиати ва сабабларининг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, аҳоли даромадларини шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бунда фуқаронинг ижтимоий ҳолати ва келиб чиқиши, билим даражаси, ташқи ижтимоий муҳитга кўникмаларнинг шаклланиши, интеллектал ва бошқарувчилик қобилияти каби кўплаб омиллар ўрганилган.*

Таянч сўзлар: *Ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик, ижтимоий-иқтисодий табақаланиш, даромадлар табақаланиши иқтисодий ўсиш, молиявий барқарорлик, ёлланма ишчилар инфляция.*

Инсонларнинг даромади, истеъмоли, мол-мулки жиҳатидан табақалашуви азалдан мавжуд бўлган ва даромади жиҳатидан аҳоли ўта бой, бой, ўрта ҳол, камбағал ва қашшоқ тоифалардан иборат. Бозор муносабатлари ривожланаётган жараёнида аҳолининг бой ва камбағал қатламининг ўртасидаги табақаланиш даражаси кучайиб бормоқда. Дунёда аҳолининг озчиллик қисмини ташкил этувчи бойларнинг қўлида миллий бойликни аксарият қисмини тўпланиши ва уларга мутаносиб равишда аҳоли камбағал қатламларни даромадини камайиши жаҳонни глобал ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларидан бири ҳисобланади.

Камбағаллик долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий муммо ҳисобланади. Шу боис камбағалликни чуқур таҳлил этиш вужудга келиш сабаблари, миқиёсини аниқлаш ва камбағаллар сонини глобал миқиёсда қисқартириш бағишланган чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий ишларга 2019 йилда иқтисодиёт соҳасида Альфред Нобел мукофоти сохиблари, АҚШ нинг, Массачусетс технологик институти профессорлари Абхиджит Бенерджиб, унинг рафиқаси Эстер Дюфло ва Гарвард университети профессори Майкл Кремер мукофотландилар. Улар томонидан ёзилган «Камбағал иқтисодиёт» асарига Нобел мукофоти берилиши бежиз эмас. Бундан аввал камбағаллик билан шуғиланган Швед олими Гуннар Мюрдаль (1898-1987), камбағаллик таҳлил этилган “Азия драмаси” асарида баён этилган олам-шумул илмий нариёти учун Нобел мукофоти (1974) берилган эди.

Маълумки инсон капитали бу - инсоннинг ақл-идроки ва куч-қуввати, яъни уни товар ва хизматларни ярата олишдан иборат меҳнат ҳисобланади. Ушбу капитал амалиётда ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатида иштирок этади. Шахсий омилни қатнашув даражасига кўра даромадлар тақсимланади. Юқоридаги таъкидланганидек тақсимот қонунига биноан, даромадлар жамиятнинг ЯИМ ҳар бир иқтисодий субъектнинг ушбу даромадни яратишдаги иштирокига кўра тақсимланади ва ўз улушини олади. Ушбу ҳолатда ресурсларнинг миқдори, сифати ва ишлатиш самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Пандемия шароитида вужудга келган инқироз дунё аҳолиси таркибида камбағаллар сони 50-70 млн. нафарга кўпайишига, олиб келди. Жаҳон амалиёти кўрсатишича иқтисодиётда камбағаллик турли шаклларга эга бўлади. Кам иш ҳақи олувчи банд бўлганлар ҳам ишловчи камбағаллар бўлади. Ишсизлар банд бўлмаганлиги туфайли камбағалларга айланган кишилардан иборат. Covid-19 пардемия шароитида камбағаллар сонини ортиши аҳоли бандлигининг паст бўлиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳолининг бандлик даражаси нисбатан паст ҳисобланади. Ишсизларни бандлигини таъминлаш учун иш ўринлари учун инвестицион ресурслар керак бўлади. Шу сабабли узоқ муддатли даврда камбағаллик вужудга келишини муҳим сабаби бўлиб қолади.

Ўзбекистонда 2020 йил 19 млн. нафар меҳнат ресурслари мавжуд эди. Улар таркибида иқтисодий фаол аҳоли 15 млн.ни ташкил этади. Уларни қолган 5 млн.ни норасмий банд ёки умуман банд бўлмаганлар. Ишсизлар таркибида тўла ва қисман ишсизикни фарқлаш зарур. Тўла ишсизлар умуман ишламайди ва даромадга эга эмас. Қисман ишсизик ойнинг маълум кунларида иш билан банд бўлди ва бошқа вақт бекор юради. Камбағалликни яратган ишсизлар ўзгарувчан, цикллик характерига эга. Яъни иқтисодий цикили кризис турғунлик базасида бўлса, ишсизлар кўпаяди. Агар ишлаб чиқариш жонланиб, юксалиш даражасига чиқса ва барқарор ўсиб борса, ишсизлар янги иш ўринларига ёлланиб иш топади, даромад олади ва камбағаллар сафидан чиқиб кетади. Шундай қилиб, ишсизликни юзага келтирадиган камбағаллик аҳолининг аксарият қисми учун вақтинчалик характерга эга ва цикллик ривожланиш билан боғлиқ бўлади. Ишсизлар сонини кўпайиши кабағаллар сонини ошишига асос бўлади. Камбағалликни муҳим жиҳати кишиларни табиатан меҳнат қобилиятини йўқотиш бўлади. Меҳнат қобилиятига эга кишилар икки гуруҳга бўлинади.

1. Меҳнат қобилиятини туғма равишда йўқотганлар.

2. Меҳнат қобилиятини меҳнат жараёнида йўқотган кишилар. Жумладан меҳнат инвалидлари ва ногиронлардан ташкил топади.

Ушбу тоифага кирувчи аҳоли доимий камбағаллар қатламига киради.Ушбу тоифа аҳолиси объектив сабабларга кўра меҳнат қобилиятини йўқотганлар учун меҳнат қилиб тирикчилик вочиталари учун пул тополмайди. Ушбу тоифа кишилар ўзини-ўзи боқа олмайди, ижтимоий ҳимоя қилолмайди. Ушбу кишилар гуруҳининг оз ёки кўп бўлиши камбағаллик миқиёсига бевосита таъсир кўрсатади. Туғма меҳнат қобилиятни йўқотганлар билан биргаликда турли бахтсиз ходисалар табиий офатлар туфайли ногирон бўлган кишилар ҳам меҳнат қобилиятини йўқотадилар.

1. Бозор усули механизми хар бир ишловчи инсонни интенсив ишлашга, кўпроқ даромад топишга ундайди. Бозор шароитида мехнат қобилиятига эга бўлган соғлом инсон ўзи ва оиласини фаровонлигинитаъминлаши зарур. Бу бозор механизми яратадиган мативация восита ҳисобланади. Инсон кўпроқ фойда олиш учун товарлар рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва сотиши керак. Товарларни кўп ва сифатли ишлаб чиқариш учун одамлар кўпроқ ишлаши керак. Ишловчи одамларга ишига қараб иш ҳаққи тўланмаса етарлича моддий рағбатлантирилмаса мативация билан қизиқмайди. Натижада фирма кутган фойдани ололмаслиги мумкин.

Камбағалликни муҳим сабабларидан бири, ишловчиларнинг қарамоғидаги боқимадаларнинг кўп бўлиши, яъни оилага боқимандаларни таъминлаш юқори юк

бўлишидир. Ўртача иш ҳақига эга оиласини катталиги туфайли, камбағаллар таркибига кирувчи кишилар мавжуд. Ушбу аҳоли тез суръатларда ўсаётган мамлакатларга хос бўлади. Ушбу ҳолатни камбағаллик сабаби устун даражада иқтисодий эмас, балки ижтимоий демографик омил бўлади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли сонининг ўсиши кузатилаётган бўлсада, унга мутаносиб равишда ишсизларнинг ундаги улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (1-жавдал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларда иқтисодий фаол аҳоли, бандлар ва ишсизлар сони

Йиллар	Иқтисодий фаол аҳоли сони жами, минг киши	улардан:		Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси2), фоизда	Аҳолининг бандлик даражаси3), фоизда	Ишсизлик даражаси, фоизда
		иқтисодиётда бандлар1)	ишсизлар			
2001 й	9173,5	9136,0	37,5	68,7	68,4	0,4
2002 й	9367,8	9333,0	34,8	68,0	67,7	0,4
2003 й	9621,2	9589,0	32,2	67,7	67,5	0,3
2004 й	9945,5	9910,6	34,9	67,9	67,7	0,4
2005 й	10224,0	10196,3	27,7	67,9	67,7	0,3
2006 й	10492,5	10467,0	25,5	67,9	67,7	0,2
2007 й	11299,2	10735,4	563,8	71,1	67,6	5,0
2008 й	11603,1	11035,4	567,7	71,1	67,6	4,9
2009 й	11929,5	11328,1	601,4	73,4	69,4	5,0
2010 й	12286,6	11628,4	658,2	70,7	66,9	5,4
2011 й	12541,5	11919,1	622,4	69,7	66,2	5,0
2012 й	12850,1	12223,8	626,3	70,0	66,6	4,9
2013 й	13163,0	12523,3	639,7	70,5	67,1	4,9
2014 й	13505,4	12818,4	687,0	71,3	67,7	5,1
2015 й	13767,7	13058,3	709,4	71,9	68,2	5,2
2016 й	14022,4	13298,4	724,0	72,5	68,7	5,2
2017 й	14357,3	13520,3	837,0	73,5	69,2	5,8
2018 й	14641,7	13273,1	1368,6	74,3	67,4	9,3
2019 й	14876,4	13541,1	1335,3	75,0	68,1	9,0
2020 й	14797,4	13236,4	1561,0	73,8	66,0	10,5
2021 й	14980,7	13538,8	1441,9	74,1	66,9	9,6

3.2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, агар 2001 йилда ишсизлик даражаси 0,4% ни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич жадал суръатларда ўсиб 9,6%га тенг бўлди (3.2-расм). Кишиларнинг камбағаллик даражасига таъсир этувчи омиллардан бири мол-мулкдан олинадиган даромад ҳисобланади. Бозор муносабатларини шаклланаётганлиги, ривожланмаганлиги учун мол-мулкдан қўшимча даромад олиш имконияти жудаям паст ҳисобланади. Камбағалликнинг тасодифий, яъни табиий техноген

(зил-зила, сув тошқини, қурғоқчилик, ёнғин, иқтисодий объектлардаги катта техник авариялар) табиий ва туғма ногирон бўлиб қолиш ҳодисалар ҳам юзага келтиради.

2-расм. Аҳолининг иқтисодий фаоллик ва бандлик даражаси (фоизда)

Камбағалликни шакллантиришда айрим субъектив омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шундай кишилар ҳам борки, тасодифий даромад топиш, оила қурмасдан яшаб камбағаллик кўникмасига эга бўлади. Ушбу инсонлар иҳтиёрий равишда камбағаллик ҳолатига тушиш йўлини танлаб олади. Буни камбағалликни ижтимоий психологик сабаблари деб номласа ҳам бўлади.

Таҳлиллар кўрсатишича намоён бўлиш ва давомийлигига кўра ишловчи камбағаллар, ишсиз камбағаллар, боқимандаси кўп камбағаллар, доимий камбағаллар, вақтинчалик камбағалларга ажратиш мумкин. Камбағалларни ноилож ва иҳтиёрий камбағалларга ҳам ажратиш мумкин. Ноилож камбағаллар мажбуран камбағал ҳолатига тушган инсонлардир.

Мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий сабаблар уларни хоҳишидан катъий назар камбағалга айлантиради. Иҳтиёрий камбағаллар таркибида айрим камбағалликдан чиқиш имкониятига эга бўлиб, ундан фойдаланмаётганлар ҳам бор. Одатда иқтисодий ривожланган мамлакатларда камбағаллар улуши оз, ривожланаётган мамлакатларда эса аксинча камбағаллар улуши юқори бўлади. Аксарият мамлакатларда аҳоли камбағаллигини аниқлаш амалиёти халқаро молиявий ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган меъёрлар асосида амалга оширилади. Ёндашувларнинг аксарияти аҳолининг кунлик оладиган даромади, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал миқдори, ойлик даромадлари бўйича бир-биридан фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: ЭКСМО, 2007. – с.960.
2. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. – М.: Эконов, 1991. –с.339.
3. Милль Дж. С. Основы политической экономии и некоторые аспекты их приложения ксоциальной философии. – М.: Прогресс, 1980. – с.450.
4. Маркс К. Капитал/К. Маркс, Ф. Энгельс//Соч. – 2-е изд. – Т. 23. – с.907.
5. Сэй Ж. Б. Трактат по политической экономии. – М.: Дело, 2000. – с.232.
6. Кларк Дж. Б. Распределение богатства. – М.: Гелиос АРВ, 2011. – с.368.
7. Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии. – М.: Изограф, 2000. – с.448.
8. Kuznets S. Economic Growth and Income Inequality / S. Kuznets // American Economic Review.– 1955. – № 45. – pp. 1-28.
9. Kaldor N. Alternative Theories of Distribution / N. Kaldor // Review of Economic Studies. – 1956. – № 23. – pp. 94-100.
10. Forbes K. A Reassessment of the Relationship between Inequality and Growth/K. Forbes//American Economic Review. – 2000. – № 90 – pp. 869-887.
11. Persson T. Is Inequality Harmful for Growth? Theory and Evidence / T. Persson, G. Tabellini//American Economic Review. – 1994. – № 84. – pp. 600-621.

12. Костылева Л.В. Неравенство населения России: тенденции, факторы, регулирование:Монография / Л.В. Костылева. – Вологда: ИСЭРТ РАН, 2011. – с. 16.
13. Масленников О.В. Взаимосвязь качества экономического роста и дифференциации доходов: теоретико-методологические аспекты / О.В. Масленников // Сборник статей IV Международной научно-практической конференции «Экономика, управление и право инновационное решение проблем». – 2016. – С. 38-43.
14. Климат и окружающая среда. Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриш//https:news.un.org/ru/story/2021/02/1397252
15. ЛаптеваЕ.В., ОгородниковаЕ.П., ПортноваЛ.В. Оценкафакторов, влияющих на денежные доходы российского населения // Электронный научный журнал«Веккачества». 2020. №2. С. 110-124.
16. Хашимов П.З. Даромадлар табақаланиши аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида//Иқтисод ва молия/Экономика и финансы 2020, 4(136) б.-16
17. Ғойибназаров Б.К., Турғунов Т.С. Ўзбекистонда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларининг статистик таҳлили// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил б.-5